2003 YIL 16 SENTYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 120 (6.645). Sotuvda erkin narxda

***Ишонаман, қорақалпоқ диёрининг келажаги албатта ёруғ бўлади, қорақалпоқ эли бутун халқимиз қатори ўз олдига қўйган буюк мақсадларга албатта етади.***

**Ислом КАРИМОВ**

# ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НУКУС ШАҲРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ



Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз қорақалпоқ элининг гўзал пойтахти, юртимизнинг шимолий дарвозаси бўлмиш Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйини байрам қилмоқдамиз.

Мана шу қутлуғ сана муносабати билан сиз, азизларни, сизларнинг сиймонгизда бутун Қорақалпоғистон аҳлини чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз навқирон Нукус шаҳрининг катта тўйини нишонлар эканмиз, бу шаҳар тимсолида Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгиланишлар, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг турмуш тарзида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапиришимиз табиий, албатта.

Бу ўзгаришлар, аввалambор, қорақалпоқ халқининг машаққатли меҳнати ва ғайрат-шижоати билан эришилаётган катта ютуқларда, шаҳар ва қишлоқлар, овулларнинг тобора обод бўлиб, республика ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида, янги-янги иншоотларнинг ишга туширилаётганида яққол намоён бўлади.

Булар қаторида минтақамизда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мармар ва кабель заводлари, Ўрга газ кони, «Элтекс» ва «Катекс» каби замонавий ишлаб чиқариш мажмуаларини мисол келтириш мумкин.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг, жумладан, Қорақалпоғистоннинг ҳам энг заиф нуқтаси - бу коммуникация масаласи эканини мен доимо таъкидлаб келаман. Ана шу ўта муҳим муаммони ечиш бўйича мамлакатимизда кўп ишлар қилингани ва қилинаётганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Айниқса, 345 километрли Навоий - Нукус темир йўли, Нукус билан Хўжайлини боғлайдиган улкан кўприк, Қўнғирот автомобиль йўли каби муҳим стратегик иншоотлар бу заминдаги беҳисоб табиий захираларни ўзлаштиришга, улардан аввалambор қорақалпоқ халқининг, бутун юртимизнинг фаровонлиги йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Ана шундай одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган ишларимиз ҳақида гапирганда, биринчи галда, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини алоҳида айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Охирги йиллар давомида фойдаланишга топширилган 243 километр узунликдаги Туямўйин - Нукус, 112 километр узунликдаги Нукус - Тахтакўпир сув узатиш тармоқлари бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мураккаб экологик ҳудудларда яшаётган одамларга зарур шароит яратиш мақсадида Чимбой ва Тахтакўпир, Қўнғирот ва Қанликўл туманларининг олис қишлоқ ва овулларига, жами 390 та аҳоли пунктига ичимлик суви етказиб бериш бўйича қилган салмоқли ишларимиз барчамизни қувонтиради.

Ҳурматли юртдошлар!

Албатта, қўлга киритган бундай ютуқларимиз, улкан лойиҳаларни ўзлаштириш йўлида қилаётган меҳнатимиз ва ҳаракатларимиз халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди ва кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Айни пайтда олдимизда ҳали-бери ўз ечимини кутаётган, шу тупроқда яшаётган одамларни қийнаётган долзарб муаммолар ҳам борлигини эсдан чиқармаслигимиз ва бу масалалар доимо эътиборимиз марказида туриши зарурлигини англаб олишимиз даркор.

Шу ўринда мен аввало барча раҳбарларни - улар Тошкентда ёки Нукусда бўладими - огоҳлантириб, алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман:

Катта-катта лойиҳалар устида ишлаш билан бирга, одамларимизнинг кундалик ҳаётий муаммоларини ечиш, ташвишларини енгиллаштириш, уларга сўзда эмас, амалда ғамхўрлик кўрсатиш, бу масалада лоқайдлик ва тўрачилик каби нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик, бир сўз билан айтганда, эл-улуснинг дардини ўз юраги, ўз қалбидан ўтказиб яшаш ва ишлашни бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар!

Қорақалпоқ деганда, бу заҳматкаш халқнинг ўзига хос хусусиятлари, элни эл, юртни юрт қиладиган фазилатлари ҳақида гапирганда, аввало, бизнинг кўз олдимизда ўзининг узоқ тарихи давомида кўп азоб-уқубат, қирғин-қатағонларни бошидан кечирган, қанча-қанча оғир йўлларни босиб ўтган, чидамли ва бағрикенг, мард ва матонатли бир халқ сиймоси пайдо бўлади.

Агар биз она заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи галда, саҳро қуёши, гармсел ва изғирин шамолларида тобланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиё қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Кимки бу жафокаш халқнинг беғубор қалбини, асрий орзу-армонлари, интилишларини билмоқчи, англаб етмоқчи бўлса, унинг ақл-заковати билан яратилган «Қирқ қиз» ва «Шаҳриёр» каби ўлмас достонларга, Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердах сингари улкан шоирларнинг таъсирчан асарларига мурожаат қилса, ўйлайманки, ўзи учун кўп-кўп маъно топади.

Қорақалпоқ халқи азалдан ўзининг билимга ташналиги, санъатга бўлган юксак муҳаббати, ўз диёрининг бошқалар англаб етолмайдиган гўзаллиги ва жозибасини кашф этишдек ноёб истеъдоди билан барча-барчани мафтун этиб келади.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Куни кеча мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган тантанали байрам томошасида Қорақалпоғистон санъат усталарининг ёрқин маҳорати, таъсирчан куй-қўшиқлари шахсан менга бениҳоя манзур бўлди.

Агар шу томоша якуни бўйича қандайдир танлов ўтказилса, бошқалар хафа бўлмасин-у, мен ҳеч иккиланмасдан биринчи ўринни қорақалпоқ санъаткорларига берган бўлур эдим.

Қорақалпоғистоннинг ана шундай катта иқтисодий, илмий ва маънавий салоҳиятини асраб-авайлаб, уни янада бойитишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Анисия Саидова, Алланиёз Ўтениёзов, Тўлепберген Қаипбергенов, улар қаторида Алимбай Мамутов, Турсунбай Ешжанов, Собир Камолов, Ибрайим Юсупов, Жўлдасбек Қуттимурадов, Муяссар Раззоқова, Кенесбай Сержанов, Гулхатича Айимбетова, Элиза Айтниязова каби ўнлаб ишлаб чиқариш соҳаси, илм-фан ва маданият намояндаларининг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Муҳтарам юртдошларим!

Биз бугун бетакрор қиёфа касб этиб бораётган кўпмиллатли Нукус шаҳрини йирик саноат, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шаҳри, деб таърифлаймиз. Ва албатта бу таърифларнинг барчаси мустаҳкам ҳаётий асос ва заминга эга.

Буни ҳозирги вақтда Нукусда Фанлар академияси ва Бадиий академиянинг филиаллари, Қорақалпоғистон давлат университети, қатор институтлар, қирққа яқин академик лицей, ўнлаб касб-ҳунар коллежлари, театр ва музейлар халқимизнинг маънавий-маърифий юксалиши йўлида хизмат қилаётгани ҳам тасдиқлайди.

Бутун халқимиз сингари қорақалпоқ эли ҳам нафақат бугунги ҳаёт, балки эртанги кунимиз, истиқбол орзуси билан, барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизнинг тақдири ва келажагини ўйлаб яшамоқда.

Шу маънода, Нукус шаҳрининг ўзига хос ва ўзига мос яна бир хусусияти ҳақида гапиришни ўринли, деб биламан. Бугунги кунда шаҳар аҳолисининг 65 фоизини 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

Бу ерда ҳар ўн нафар фуқаронинг бири, таъбир жоиз бўлса, талаба бўлиб ҳаёт кечирмоқда. Ва бундай ҳолат бу навқирон шаҳарнинг келажагидан, катта имкониятларга эга эканидан далолат беради.

Шу заминга хос, барчанинг ҳайрат ва ҳурматини, завқини уйғотадиган яна бир белги-аломат борки, у ҳам бўлса, мана шундай оғир ва мураккаб, ҳар қандай одам ҳам бардош беролмайдиган бир шароитда қорақалпоқ ёшларининг билимга, етук инсон бўлиб вояга етишга қатъият билан интилаётгани, халқаро фан олимпиадалари ва нуфузли жаҳон мусобақаларида қатнашиб, юксак марраларни эгаллаб келаётганидир.

Истиқболимиз тимсоллари бўлган Алишер Санетуллаев, Рустам Султонов, Руслан Урганчбаев каби билимдон ёшларимиз, Анифа Ортиқова, Зиёда Шарипова, Махсет Утемуратов каби иқтидорли санъаткорларимиз, Бауржон Каздаев, Эркин Қутибоев, Баҳром Эрматов сингари мард ва жасур спортчиларимиз нафақат қорақалпоқ эли, бутун Ўзбекистон халқининг фахри ва умиди, десак, асло хато бўлмайди.

Қадрли дўстлар!

Мен бугун сизларнинг ҳузурингизга келаётиб, байрам арафасида Нукус шаҳрида амалга оширилган янги қурилиш ва ободончилик ишлари билан танишдим. Шуни мамнуният билан айтишим лозимки, қорақалпоқ халқининг бунёдкорлик салоҳияти тобора ортиб бораётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Айниқса, янги қурилган шинам турар-жой бинолари, гўзал майдон ва хиёбонлар, театр ва музей, спорт мажмуалари, бозорлар, замонавий талабларга жавоб берадиган аэропорт, темир йўл вокзали ва бошқа қатор иншоотлар кўзларни қувонтириб, шаҳар чиройига чирой қўшиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу эзгу ишларда фаол қатнашган қўли гул усталаримизга, қурувчи ва муҳандисларга, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига, барча мутахассисларига ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам ватандошлар, қадрдонларим, қорақалпоқ диёри, қорақалпоқ элини улуғлайдиган аломат ва хусусиятлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин буларнинг ҳаммасини бир сўз билан ифода этадиган бўлсак, қорақалпоқ мақолида айтилганидек, халқнинг бахту тахти - унинг туғилиб ўсган еридир, унинг жипслиги, аҳиллиги ва оғиз бирлигидир.

Бугунги унутилмас лаҳзаларда сиз, азизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, аввал ҳам айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб ҳисоблаш менга ҳар доим куч-қувват ва қанот бағишлайди.

Шунинг учун мен ушбу гўзал оқшомда катта қувонч ва ифтихор билан:

- ўз элим - қорақалпоғим омон бўлсин, ўз қалъам - Нукусим дунё тургунча турсин, дейман.

Ишонаман, қорақалпоқ диёрининг келажаги албатта ёруғ бўлади, қорақалпоқ эли бутун халқимиз қатори ўз олдига қўйган буюк мақсадларга албатта етади.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлсин!

Яратганимизнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Азиз дўстлар!

Энди менга шарафли бир вазифани бажариш учун ижозат этгайсиз.

Хабарингиз бор, Нукус аҳлининг мамлакатимиз ривожига қўшаётган катта ҳиссасини, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида қўлга киритаётган салмоқли ютуқларини, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматларини инобатга олиб ҳамда 70 йиллик тўйи муносабати билан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ушбу қутлуғ ва ҳаяжонли лаҳзаларда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини сиз, ҳурматли, азиз юртдошларимизга топшириш менга чексиз қувонч бағишлайди.

Бу юксак мукофот барчангизга муборак бўлсин, Нукуснинг шон-шуҳрати янада зиёда бўлсин.

***Тарихимизнинг кўҳна ва теран илдизларидан бўлган ва ҳозирги кунда ҳам юртимизнинг чиройига чирой, салоҳиятига салоҳият қўшиб келаётган қутлуғ масканларни обод қилиш, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш тажрибаси истиқлол йилларида ҳайрли анъанага айланди.***

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида худди шундай шодиёна -Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантанали нишонланмоқда.

Нукус Қорақалпоғистоннинг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил: бу ерда ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, руслар, корейслар, татарлар, украинлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари қорақалпоқлар билан ҳамжиҳат, дўсту иноқликда яшайди.

Мамлакат миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳот ва унинг юксак самаралари Нукус шаҳрининг янги тарихи саҳифаларидан ёрқин жой олмоқда.

Бу ерда йирик халқаро тадбирлар ўтказиш анъана тусини олаётир. Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш юзасидан қатор халқаро ҳужжатлар имзолангани, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Оролбўйи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини белгилаб олишга бағишланган иккинчи йиғини ўтказилгани шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 8 майда «Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» қарор қабул қилгач, шаҳар бўйлаб кенг кўламда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун 12 сентябрь куни бу ерга келди.

Президент Ислом Каримовнинг Нукусга ташрифи шаҳар остонаси - аэропорт билан танишувдан бошланди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарда бунёд этилган замонавий спорт мажмуини кўздан кечирди. Ушбу спорт саройи барча қулайликларга эга. Уни қуриш ва жиҳозлашга Қўнғирот сода заводи, «Оролсувқурилиши», «АРЗ-16», «Таъмирлаш заводи», «Қизкеткен» кўчма механизациялашган жамланмаси яқиндан кўмак берди.

Президентимиз Нукусда яқинда қад ростлаган Санъат музейининг янги биносига ташриф буюрди. Ушбу бино махсус лойиҳа асосида бунёд этилган. Уч қаватли бино 3 минг 100 квадрат метр кўргазма майдонига эга.

Музейнинг иқлим мувозанатини сақлаш, хоналарда мўътадил ҳароратни ушлаб туриш учун хорижнинг қулай ускуналари ўрнатилган. Бу ерда музей фаолиятига зарур барча жиҳозлар, ноёб асбоб-ускуналар мавжуд.



Санъат музейида бугунги кунда 90 мингга яқин экспонат сақланмоқда. Музей Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кунидан гувоҳлик берувчи жуда бой тарихий ва илмий манбага эга. Ислом Каримов Оролбўйи қадим ўрта аср тарихига оид асори-атиқалар, халқ амалий санъати намуналари, Қорақалпоғистоннинг замонавий тарихи, музей асосчиси ва биринчи раҳбари И.Савицкийга бағишланган мемориал зал ҳамда жаҳон санъати дурдоналари билан танишди.

Президентимиз Нукус шаҳрини Хўжайли тумани билан боғлайдиган Амударёдаги янги кўприкни бориб кўрди.

Шаҳар марказидаги - байрам тадбирлари, учрашув ва концертлар ўтказиладиган маданият ўчоғи - 5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр янада чирой очган. Бу ерга вилоятлар ва Тошкент шаҳридан меҳмонлар, чет давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюрган.

(Давоми 2-бетда)

---

# ФЕРМЕР – ЯНГИ ЗАМОН ОДАМИ

**ДАВР**

***Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфи пайдо бўлиб, ер ўз эгасини топмоқда.***

Дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатлари сингари юртимизда ҳам деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг эркин, мустақил фаолият юритишлари учун керакли имтиёз ва шароитлар яратиб берилмоқда.

Зеро, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида юқори натижаларга эришиб, республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида муҳим бўғин ва устувор йўналиш эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, мулкдорларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ажратилган ерлардан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни ошириш ҳамда моддий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш натижасида маҳсулотлар таннархлари бир неча баробар камайтирилмоқда. Албатта, бу фермерларимизнинг тадбиркорлиги туфайли бўлмоқда. Айни пайтда республикамиз бўйича 84 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ихтиёридаги ер майдонлари эса 2 млн. гектардан ошиб кетди.

1992 йилда фермерлар томонидан 5,1 минг тонна ғалла, 700 тонна пахта, 6,5 минг тонна сабзавот етиштирилган бўлса, 2003 йилда фермер хўжаликлари томонидан қарийб 2 млн. тонна ғалла етиштирилди.

(Давоми 3-бетда)

---

**ТААССУФ**

# МАОШ НЕГА ВАҚТИДА БЕРИЛМАЯПТИ?

***Айни пайтда аҳолини ижтимоий ҳимоя этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан қандай ишлар олиб борилялпти?***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари қандай натижа берди?

Хатирчи тумани прокуратураси томонидан "Навоий почтаси" акциядорлик жамиятига қарашли "Қўшҳовуз" алоқа бўлимида текшириш ўтказилди. Маълум бўлишича, нафақахўрларга берилиши лозим бўлган нафақадан 425 минг 289 сўми бўлим хазинабони Ф.Жумаев ва назоратчи кассир Р.Эгамбердиевлар томонидан талон-торож қилинган.

(Давоми 2-бетда)

---

# УЙИНГИЗДА ЧИРОҚ ЎЧМАСИН

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

***Уйингизда севимли киноингизни ёки кўрсатувингизни кўраётганингизда, китоб ўқиётганингизда, метрода кетаётганингизда, хуллас, бошқа ишлар билан банд бўлганингизда чироқ "лип" этиб ўчиб қолса, албатта ғашингизга тегади. Айни пайтда чекка-чекка қишлоқларда одатий ҳолга айланган чироқ ўчиб қолишларига ўрганиб ҳам қолишган одамлар. Бунга нима ёки ким сабаб бўлмоқда? Таъминотчими? Истеъмолчими?***

Маълумки, жорий йилнинг 6 августида Вазирлар Маҳкамасининг "Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинган эди.

Қуйидаги суҳбатимиз ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ходимлари бундан кейинги фаолиятларида қандай ишларни амалга оширишлари лозимлиги, қарорнинг аҳамияти ҳақидадир. Бу хусусда фикрларини билиш мақсадида "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ директори Мирвосит Комиловга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

**-Мирвосит ака, ушбу қарор эълон қилингунга қадар иссиқлик энергияси ва электр учун ҳисоб-китоб тартиби қай тарзда амалга оширилар эди? Ва энди қандай бўлди?**

-Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган 941-сонли қарори кучга киргунга қадар ҳисоб-китоб ишлари 2000 йил 5 декабрдаги қарорга мувофиқ олиб борилар эди. Ҳукуматимизнинг ушбу 5 августдаги қарорида эса истеъмолчилар ва энерготаъминот ташкилотлари олдига қўйилган талаблар янада кучайтирилган.

(Давоми 2-бетда)

---

**МАВЗУ**

# ҚИШЛОҚ АЁЛИНИНГ ҚЎЛЛАРИ

***"Қуёш турмай тураман, ҳали сигир соғ, ҳовли, уй супур, чой тайёрла, сут қайнат, қатиқ ивит, куви пиш, хамир қил, тандир қизит, нон ёп, молга қара, томорқани ўтоқ қил, тушлик тайёрла, яна молга қара, тагини тозала, таппи қил, кир юв, болага қара, эмиз, ухлат, кечқурун яна ҳовли супур, нонушта, газ паст – ўтин синдир, коса-товоқ юв, болани ухлат, жой сол, йиғиштир... Чумолида тиним бор, менда тиним йўқ. Адойи тамом бўлдим. Шу ҳам ҳаёт, шу ҳам бахт бўлдими?.."***

Қумри опа эри Эгамқулга ёрилиб-ёрилиб олади.

(Давоми 2-бетда)

---

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

# МУВАШШАҲ

**ЭССЕ**

***Модомики, бу сўз сарлавҳага чиқарилган экан, гапнинг индаллосидан, яъни мувашшаҳнинг ўзидан бошлаб кўяқолганимиз маъқул.***

МУВАШШАҲ

**Оҳ уриб ҳар ёнда изғийди шамол,**
**Замон макон бермай уни қистайди.**
**Орзуси фақат шул – у ҳам тоғ мисол**
**Дили ором олиб ётмоқ истайди.**
**Асоратда инграр тоғлар ҳам аммо,**
**Кўҳи замонадан тополмай илож.**
**Армон қилар у ҳам: шамолдай гўё**
**Мовий кенгликларда ёзсин дер қулоч.**

Мувашшаҳ тилига тушунадиганлар бу дилбар шеърнинг ҳар қайси сатридаги биринчи ҳарфларни ажратиб олиб, "Озод акам" деган иборани ўқий оладилар. Ҳа, бу мувашшаҳ менга бағишланган. Унинг ёзилганига ҳозир роппа-роса 36 йил бўлаяпти. Мувашшаҳ Абдулла Ориповнинг қаламига мансуб бўлиб, шоир уни "Кўзларим йўлингда" деган китобининг биринчи бетига менга бағишлов сўзлари ўрнида ёзиб берган эди. Китобча ёш шоирнинг адашмасам, учинчи китоби эди. Уни "Тошкент" бадиий адабиёт нашриёти 1966 йилда чоп этганди. Яна бир тафсилот – бу китобга шеъриятимизнинг яна бир порлоқ юлдузи Эркин Воҳидов муҳаррирлик қилган.

Китобнинг иккинчи бетида муаллифнинг қисқагина кириш сўзи ҳам бор. Бу муқаддима кўп жиҳатдан диққатга сазовор – шунинг учун уни-да тўлиқ келтираман:

"Дўстларим! Шундай пайтлар бўладики, киши ўз боғидаги гуллардан кўнгилдагидай дасталанмаган бўлса-да, ёр-биродарларига тақдим этишни хоҳлаб қолади.

Лекин ушбу тўпламдаги шеърлар ҳали гул билан таққослагудек эмас. Демак, ҳали гулдаста ташбеҳининг ўзи ушбу китоб учун ножоиздир.

(Давоми 4-бетда)

---

**КЕЛГУСИ СОНДА:** СУЮНЧИНИ КИМ БЕРАДИ? | "ЧАРХПАЛАК"ДАГИ РАИС | ТУБАНЛИК

## ХУШХАБАР

### ЖИҲОЗЛАР АЖРАТИЛДИ

***Вобкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи учун Осиё Тараққиёт банки дастури доирасида саккизта замонавий компьютер, ўнта видеопроектор, факс ускунаси ва бошқа зарур жиҳозлар ажратилди.***

Кимё, биология, физика, астрономия, иқтисодий география фанлари ўқитиладиган синф хоналари таъмирланиб, зарур барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Вобкентлик ёшлар эндиликда замонавий таълим масканида билим олиб, касб-ҳунар ўрганмоқдалар.

### СЕЛЕКЦИОНЕР ТУҲФАСИ

***"Бухоро-6" ғўза навининг муаллифи, "Бухоро пахтачилиги" масъулияти чекланган жамият раиси Аххат Батталов савоб ишга қўл урди.***

У Бухоро шаҳридаги 25-ўрта мактабга 250 минг сўмлик бадиий адабиётлар ва методик қўлланмаларни туҳфа этди.

Селекционер-олим бу билан кифояланмай шу мактабга "Пентиум-II" русумли 4 та компьтер ҳам совға қилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

### ТОВАРЛАР ЯРМАРКАСИ

***Андижон вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан Хўжаобод туманидаги "Дўстлик" божхона мажмуи ҳудудида Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари ва маҳсулотлари савдо ярмаркаси ташкил этилди.***

- Савдо ярмаркасининг мақсади бозорни "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси босилган товарлар ва маҳсулотлар билан тўлдиришдан иборат, - деди вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Н. Жўраев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Юртдошларимизни Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарлар, кичик ва ўрта бизнес ривожи тўғрисида, шунингдек маҳсулотларимизни рақобатбардошлигидан яхши хабардор қилишимиз зарур. Биз харидорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқлигига ишонтиришни истаймиз.

### ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ

***Улуғнор туманидаги "Истиқлол" ширкат хўжалигида яшовчи болалар ўқув йилини 240 ўқувчига мўлжаллаб қурилган мактаб биносида бошлашди.***

Мактаб "Андижонсувқурилиш" трестининг 7-кўчма механизациялашган жамланмаси қурувчилари томонидан бунёд этилди.

**"Туркистон-пресс"**

# ФЕРМЕР – ЯНГИ ЗАМОН ОДАМИ

(Боши 1-бетда)

Пахта етиштириш 1,3 млн. тоннани ва сабзавот етиштириш 260 минг тоннани ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Картошка, мева, тухум, сут ва гўшт етиштиришда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг 24 март куни Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармон деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Унинг бажарилишини таъминлаш учун Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан телевидение ва матбуот нашрларида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантириш, фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер майдонларининг ширкат хўжаликлари балансидан чиқарилиши, мамлакатимизда фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналиш қилиб белгиланиши ва берилган бошқа имтиёзларни жойларга етказиш мақсадида давра суҳбатлари ҳамда семинар йиғилишлари ўтказилди. Хусусан, "Қишлоқ ҳаёти" газетасида ҳам ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан фермерларнинг таклиф ва мулоҳазалари чоп этилди.

Соҳа ривожи учун тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш юзасидан фермерлар билдирган таклифлар жамланиб, 2003-2005 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилди. Паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжаликлари тарқатилиб, улар негизида деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ташкил этиш масаласини қайта кўриб чиқиш учун ҳукумат даражасида махсус гуруҳ тузилди.

Вилоятлардаги очиқ мулоқотларни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси И.Ҳ.Жўрабеков бошқарди.

Очиқ мулоқотларда Бош вазир ўринбосари Р.Азимов, қишлоқ хўжалигига дахлдор вазирликлар, банклар, корхона ва идоралар раҳбарлари ҳамда вилоят, туман ҳокимлари, уларнинг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят ва туман вакилликлари раҳбарлари ва бир гуруҳ фермер хўжаликлари бошлиқлари қатнашдилар.

Мулоқотларда жорий йилда Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан тугатилган 178 та ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган 11 мингдан ортиқ фермер хўжаликларининг ғаллачиликдан юқори ҳосил олганликлари, маҳсулот таннархининг кескин камайгани айтиб ўтилди.

Масалан, Каттақўрғон туманидаги ширкат хўжаликлари 2001 йилни 131,4 млн. сўм зарар билан, тумандаги фермерлар эса 42,4 млн. соф фойда билан якунлаганлар ёки 2002 йилда туман қишлоқ хўжалиги ташкилотлари 394,4 млн. сўм зарар билан чиқишган бўлса, фермер хўжаликлари 60,6 млн. сўм фойда кўришган. Натижада 2001-2002 йилларда вилоятдаги 10 та ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар тасарруфида бўлган ерлар фермер хўжаликларига бўлиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги қарори билан Сурхондарё вилоятида 4 та ширкат хўжаликлари негизида 55 та фермер хўжаликлари ташкил этилган эди. Собиқ ширкат хўжаликлари 2001 йилда пахтачилик бўйича 95,3 млн. сўм зарар кўрган. 2002 йил фермер хўжаликларига айлантирилганда 20,5 млн. сўм фойда билан якунлаган, рентабеллик 9,4 фоизни ташкил этган.

Шўрчи туманидаги "Ижтимоят" ширкат хўжалиги 2002 йил ғалла ҳосилдорлиги 26 центнерни ташкил этиб, ғаллачиликдан 14 млн. сўм зарар кўрди, фермер хўжалигига айлантирилганда ғалла ҳосилдорлиги 45 центнерни ташкил этиб, 9,3 млн.сўм соф фойда олинди. Ғаллачилик бўйича рентабеллик 25 фоизни ташкил этди.

Яна шу тумандаги тугатилган "Озод" ширкат хўжалиги 2002 йилда ғаллачилик бўйича 8,7 млн. сўм зарар кўрган бўлса, фермер хўжаликларига айлантирилгач, 8,1 млн. сўм фойда олди.

Вилоятларда юқори ҳосилдорликка эришаётган ширкат хўжаликлари ҳам бор. Бироқ улардаги маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи фермер хўжаликларига нисбатан икки баробарга юқори эканлиги, ҳатто ёнилғи-мойлаш материаллари гектарига 700 килограммгача сарфланаётганлиги мулоқотларда алоҳида таъкидланди.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган концепциясида зарар билан ишлаётган 600 тага яқин ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш кўзда тутилган бўлса-да, вилоятларда ўтказилган мулоқотлар давомида бу кўрсаткични янада ошириш имконияти кўриниб қолди.

Мулоқотлар давомида бундан кейин давлат томонидан ширкат хўжаликларининг ҳеч қандай қарзлари кечирилмаслиги ҳамда зарар билан ишлаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш муқаррар эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, фермер хўжаликларини ташкил этиш жараёнида таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатларга чек қўйиш ҳамда фермерларни иқтисодий ва ҳуқуқий билим, малакаларини оширишга эътибор қаратиш лозимлиги эътироф этилди.

Шу билан бирга, ғалла ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ғалла ва пахта экин майдонларининг контурлар яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда, ҳар бир фермер хўжалигига камида 40-50 гектардан ер бериш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларини бошқариш мақсадида жойларда ҳар хил уюшма, бирлашма ва марказлар ташкил этишга чек қўйишни, фермерларнинг мустақил, эркин фаолият юритишини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

Дунё тарихи ва тажрибаларидан маълумки, ҳамма вақт ҳам фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритишга эътиқодли ва кучли одамлар қўл уришган. Шунинг учун ҳам республикамиз фермерларини Юртбошимиз бошчилигида ҳукуматимиз ўз ҳимоясига олди. Демак, биз танлаган ягона тараққиёт йўлининг нурли истиқболига ишонса бўлади.

**Соҳибжон ҚОБИЛОВ,**
**Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

# СИРДАРЁДА ҚОВУН САЙЛИ

**ЖАРАЁН**

***Сирдарёда анъанавий қовун сайли ўтказилди.***

-Сирдарёнинг "Обноввоти"ни татиб кўрганмисиз? Бир тилим еб кўринг, шираси бир умр оғзингизда қолади, - дейди ховослик Болтавой ака Исломов. – Юртимизда қовун-тарвузнинг тури кўп, лекин Сирдарёники барибир бошқача-да.



Дарҳақиқат, Сирдарё қовунларига таъриф йўқ. Қовунчиларининг довруғи оламга таралган, десак муболаға бўлмас. Беш-олти йил бурун мирзаободлик икки йигит сирасига уч йил Америка Қўшма Штатларига бориб, қовун етиштириш сирларини ўргатиб келганлиги ҳақида матбуотда ёритилган эди.

Ҳа, қовун етиштиришда жаҳонда бизнинг деҳқонларга етадигани йўқ. Чунки Хизр назар солган диёримиз бор.

-Қовунчилик даромадли соҳа, - дейди "Зокиржон" фермер хўжалиги раҳбари Зокир Нишонов. – Фақат унга ҳам шартнома асосида, белгиланган тартибда ўғит берилса, тайёрловчилар буюртмасига асосан полиз маҳсулоти етиштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Демоқчиманки, деҳқон маҳсулотни етиштиргандан кейин харидор аниқ бўлса. Чунки қовун пишиб етилгандан кейин дарҳол сотилмаса истеъмолга яроқсиз бўлиб қолиши тайин. Шунинг учун ҳам вилоятда қайта ишлайдиган корхоналар ташкил этилса, бу муаммо ўз ечимини топган бўлар эди.



Очиғини айтиш керак, қовун сайли деҳқонларга ҳам сайил, ҳам тажриба алмашишга шароит яратди. Вилоят ташкилий комиссияси қовунчилар меҳнатини кўриб чиқиб, "Энг яхши қовунчи" номинацияси бўйича биринчи ўринни Мирзаобод тумани "Оқ олтин" ширкат хўжалигидан Тоҳиржон Мамажоновга, 2-ўринни Сирдарё туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан Валижон Мажидовга, 3-ўринни Шароф Рашидов тумани "Қўшчинор" фермер хўжалигидан Ш.Эшонқуловга берди. Ғолибларга вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шу куни шаҳарликлар ширин-шакар қовунлардан мазза қилиб тановвул қилишди. Халқ сайли кечгача давом этди.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: қовун сайлидан лавҳалар.**


Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти 2003 йилга қуйидаги ихтисосликлар бўйича

**АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**03.00.09** – энтомология, 1 ўрин, кундузги
**06.01.11** – ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, 1 ўрин, кундузги

***Ҳужжатлар 2003 йил 10 сентябрдан то 1 октябргача қабул қилинади.***

***Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Салор қўрғони, Бобур кўчаси, ЎХКИТИ, аспирантура бўлими.***
***Телефонлар: 63-75-20, 63-75-21.***

**ОАО "OSIYO FOOD"**

**извещает о созыве нового внеочередного обшего собрания акционеров, которое состоится 24 сентября 2003 г. в 16-00 по адресу г.Ташкент, массив Чилaнзар, кв.26, актовый зал, взамен несостоявшегося внеочередного общего собрания акционеров 10 сентября 2003 г.**

**Регистрация акционеров с 14-00.**
**Наблюдательный совет**

**"ДАШТОБОД" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**
**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*2003 йил 22 сентябр куни соат 15-00 да Жиззах вилоят Зомин тумани Даштобод шаҳри, Завод кўчасида жойлашган "Даштобод пахта тозалаш" акциядорлик жамияти биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилади.*

*Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 22 август ҳолати бўйича тузилади.*

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Бошқарув раисининг ўтган давр мобайнида олиб борган иш фаолияти бўйича ҳисоботи.**
**2. Тафтиш комиссиясининг иш фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда ҳисоботини эшитиш.**
**3. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.**
**4. Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.**
**5. Жамият ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.**
**6. Ҳар хил масалалар.**

**Акциядорлар 2003 йил 22 сентябр куни соат 14-00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.**

**Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар – жисмоний шахс паспорт, юридик шахс "Ишонч қоғози" олиб келишлари лозим.**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**


# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### ЮРАК УЧУН "ЯМОҚ"

***Америка Қўшма Штатлари шифокорлари инсон юраги учун ўзига хос "ямоқ" ўйлаб топишди.***



Бу "ямоқ" ёрдамида юрак тўлғоғи натижасида шикастланган қон томирларини даволаш мумкин. Ясама "организм" инсон тери ҳужайраларидан яратилди. Шу боис ўрнатилган "ямоқ"ни бемор юраги инкор этмайди. Шифокорлар бу усул жуда кўп юрак касаллигига чалинган инсон ҳаётини сақлаб қолади, деб умид билдиришмоқда.

### БОШ ВАЗИР АФСУСДА

***Швецияда ўтказилган референдум натижасида аҳолининг 56 фоизи миллий валютада қолиш ва Европа Иттифоқига аъзо бўлмаслик учун овоз беришди.***



Овоз берганларнинг 42 фоизи Европа Иттифоқига аъзо бўлишни ёқлашди. Мамлакат бош вазири Йорам Перссон бу натижадан афсусда эканлигини билдирса-да, халқ хоҳиш-иродасини бажаришини айтди. Шунингдек, у шароитнинг оғир ва мураккаблигига қарамасдан истеъфога чиқмаслигини таъкидлади.

### АРИЭЛЬ ШАРОН: АРОФАТ – БОШ ТЕРРОРИСТ

***-Фаластин мухторияти йўлбошчиси Ёсир Арофат бош террорист ва Исроил ҳукумати ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан воз кечмайди, - деб баёнот қилди Исроил бош вазири Ариэль Шарон.***



Бунга жавобан Иордан дарёсининг ғарбий қисмида жойлашган шаҳарларда оммавий намойишлар бўлиб ўтмоқда. Намойишчи билан Исроил армияси аскарлари ўртасида тўғридан-тўғри аёвсиз тўқнашувлар юз бермоқда. Хусусан, Хеврон шаҳрида Исроил аскарлари намойишчиларга қарата ўт очган.

### ЭСТОНИЯ ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА

***Эстония Европа иттифоқига аъзо бўладиган бўлди.Аҳолининг учдан икки қисми ўтказилган референдумда Иттифоққа қўшилиш ихтиёрини билдиришди.***



Умумхалқ сўровида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 70 фоизи иштирок этди: Овоз беришда қатнашмаган 300 мингдан ошиқ аҳолини эстония фуқаролигига эга бўлмаган, рус тилида сўзлашувчи кишилар ташкил этади. Хуллас, Эстония Европа иттифоқига кирган Литвадан кейинги иккинчи Болтиқ бўйи давлати бўлди.

### ДАРОМАДДАН ТОВОН ТЎЛАНМОҚДА

***Ироқ ҳукумати фуқаро бошқаруви бошлиғи Пол Бремернинг айтишича, мамлакатда бир кунда 1,5 миллион баррел нефт қазиб олинмоқда.***



Унинг ҳисоботига кўра, сотилган нефтдан тушган маблағнинг 95 фоизи "Ироқ ривожланиш фонди"га келиб тушади. Қолган 5 фоиз даромад Қувайтга товон пули сифатида тўланмоқда. Бу тадбирлар БМТ Хавфсизлик кенгашининг қарори билан амалга оширилмоқда.

### ТЎСИҚ ҚЎЙИЛДИ

***Бразилияда спиртли ичимликлар рекламаси қаттиқ назоратга олинадиган бўлди.***

Бундай реклама лавҳаларини тасмага туширишда 25 ёшга етмаган актёрларнинг иштирок этиши тақиқланди. Шунингдек, ёш болалар эътиборини жалб этмаслик учун спиртли ичимликлар рекламаларини тайёрлашда ҳайвонлар ва қўғирчоқлардан фойдаланишга рухсат берилмайди.

### "МАРКС"НИ СОТИБ ОЛИШМАДИ

***"Сталин", "Ленин", "Муссолини" ва "Гитлер" каби тарихнинг "қаҳрамон"лари таъмини татиб кўриш имкони туғилди. Бу янгиликни италиялик шинавандалар ҳар хил кайфиятда кутиб олишди.***



Удине шаҳри ўзининг "Мерло", "Рефико", "Каберис" каби винолари билан ном таратган. Александро Лунарделли ўз корхонасини 1968 йил ташкил этди. Лекин унинг маҳсулотлари ўз харидорини топа олмади. 30 йиллик уринишлардан сўнг 1995 йил Лунарделли ғаройиб фикрга келди. Энди у ўз маҳсулотларини тарихий шахслар, саркардалар, файласуфлар номи билан атай бошлади. Бугунги кунда унинг корхонасида 100 мингдан ортиқ вино ишлаб чиқарилмоқда. Шинавандалар "Гитлер", "Че Гевара", "Муссолини" виноларини яхши харид қилишяпти. "Ленин" ва "Сталин"нинг бозори суст. "Маркс"ни умуман сотиб олишмаяпти.

**"Интернет" хабарлари асосида тайёрланди.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 16 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 645,03 | 1 Польша злотийси | 290,90 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1562,55 | 1СДР | 1352,51 |
| 1 Дания кронаси | 147,90 | 1000 Туркия лираси | 0,71 |
| 1 БАА дирхами | 265,27 | 1 Швейцария франки | 705,24 |
| 1 АҚШ доллари | 974,22 | 1 ЕВРО | 1098,14 |
| 1 Миср фунти | 158,28 | 10 Жанубий Корея вони | 8,30 |
| 1 Исландия кронаси | 12,38 | 10 Япония иенаси | 83,06 |
| 1 Канада доллари | 714,39 | 1 Россия рубли | 31,78 |
| 1 Хитой юани | 117,70 | 1 Украина гривнаси | 182,73 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,41 | | |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.


**ДОКТОРАНТУРА ВА АСПИРАНТУРАГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (ЎзМЭИ) 2004-2005 ўқув йили учун 05.20.01 "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш" ихтисослиги бўйича докторантура ва аспирантуранинг кундузги бўлимига танлов асосида ўқишга кириш учун ҳужжатларни 2003 йил 25 ноябргача қабул қилади.**

*Манзил: 702841, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор қўрғони, ЎзМЭИ.*
*Телефон: (8-37158) 61-386, факс: 61-233.E-mail: uzmei@yangiyul.uz*

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 2 июлда якка тартибдаги тадбиркор Расулов Нозимжон Муротовичга берилган № 0521361-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**"ДЎСТЛИК ПАХТА ТОЗАЛАШ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**
**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

2003 йил 25 сентябр куни соат 10-00 да Жиззах вилоят Дўстлик тумани Дўстлик шаҳри, Бўстон кўчасида жойлашган "Дўстлик пахта тозалаш" акциядорлик жамияти биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 25 август ҳолати бўйича тузилади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Бошқарув раисининг ўтган давр мобайнида олиб борган иш фаолияти бўйича ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг иш фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда ҳисоботини эшитиш.
3. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.
4. Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.
5. Жамият ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.
6. Жамият Низом жамғармасини қайта кўриб чиқиш.
7. Ҳар хил масалалар.

Акциядорлар 2003 йил 25 сентябр куни соат 9-00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.

Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар – жисмоний шахс паспорт, юридик шахс "Ишонч қоғози" олиб келишлари лозим.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**"ЗАРБДОР ПАХТА ТОЗАЛАШ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**
**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

2003 йил 24 сентябр куни соат 15-00 да Жиззах вилоят Зарбдор тумани "Шарқ юлдузи" жамоа хўжалигида жойлашган "Зарбдор пахта тозалаш" акциядорлик жамияти биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 24 август ҳолати бўйича тузилади.

**КУН ТАРТИБИ:**

*1. Бошқарув раисининг ўтган давр мобайнида олиб борган иш фаолияти бўйича ҳисоботи.*
*2. Тафтиш комиссиясининг иш фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда ҳисоботини эшитиш.*
*3. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.*
*4. Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.*
*5. Жамият ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.*
*6. Жамият Низом жамғармасини қайта кўриб чиқиш.*
*7. Ҳар хил масалалар.*

*Акциядорлар 2003 йил 24 сентябр куни соат 14-00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.*

*Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар – жисмоний шахс паспорт, юридик шахс "Ишонч қоғози" олиб келишлари лозим.*

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**"ЖИЗЗАХ-АВТОТРАКТОР" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**
**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*2003 йил 24 сентябр куни соат 10-00 да Жиззах вилояти Жиззах тумани Учтепа қўрғонида жойлашган "Жиззах - автотрактор" акциядорлик жамияти биносида акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилади.*

*Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 24 август ҳолати бўйича тузилади.*

***КУН ТАРТИБИ:***

1. Бошқарув раисининг ўтган давр мобайнида олиб борган иш фаолияти бўйича ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссиясининг иш фаолиятини танқидий таҳлил қилган ҳолда ҳисоботини эшитиш.
3. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.
4. Жамият Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.
5. Жамият ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тасдиқлаш.
6. Ҳар хил масалалар.

Акциядорлар 2003 йил 24 сентябр куни соат 9-00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.

Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар – жисмоний шахс паспорт, юридик шахс "Ишонч қоғози" олиб келишлари лозим.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

# МУВАШШАҲ

(Боши 1-бетда)

Камолга етмаган мисралар, фаромуш фикрлар кўп. Бу гапларни камтарликка йўймаслик керак. Чунки дунёдаги энг қаттиққўл китобхон – вақт ҳам борки, у билан юзма-юз келиш ниҳоятда оғир ва изтироблидир".

Хўш, "кўнгилдагидай дасталанмаган" бу гулдаста қандай гуллардан тартибланган экан? Китоб "Сен баҳорни соғинмадингми?" деган шеър билан очилади. Кейин "Одамлар", "Бургут", "Тилла балиқча", "Дорвоз", "Темир одам", "Муножот"ни тинглаб", "Куз хаёллари", "Отелло", "Пушкин", "Қасамдара", "Муҳаббат", "Хўрозқанд" каби ва яна бошқа аллақанча шеърлари кирганки, булар вақт синовидан ўтганини муҳтарам ўқувчимиз ўзи яхши билса керак. Шоирнинг ўзи ҳарчанд бу тўпламдаги шеърларига талабчанлик билан ёндашган бўлса-да, улар XX аср шеъриятининг энг нафис, энг жўшқин, энг дилрабо намуналари бўлиб қолган.

Табиийки, шундай гулдастанинг менга тақдим этиши, бунинг устига шоир ўз дастхати билан менинг номимга мувашшаҳ ёзиб тақдим этиши ғоятда ифтихор қилса арзийдиган ҳолдир. Лекин уни шу пайтгача эълон қилишга истиҳола қилиб келдим. Аввало, шоирнинг ўзи бирор китобига киритар деб ўйладим – билмадим – хаёлидан фаромуш бўлганми ё бошқа бирон сабаб биланми Абдуллажон китобига киритмади. Ўзим эълон қилаверай десам, назаримда мақтанчоқлик қилаётгандай туюларди. Энди ёшим фалон жойга етганда шундай ноёб бир лирик шеърни ҳеч кимга кўрсатмай босиб ётаверишим инсофдан эмас экан. Шу важдан шоирнинг ўзидан ижозат олдиму уни эътиборингизга ҳавола этмоқдаман. Бундан яна бир кўзлаган мақсадим бор – мен адабиётшунос сифатида Абдуллажоннинг ижодида уч-тўртта мақола эълон қилганману, лекин унинг ижодини ҳар томонлама тадқиқ этувчи, XX аср шеъриятида, қолаверса, жаҳон шеъриятида "Абдулла Орипов" феноменини тўла бўлмаса-да, бир қатор мукаммалроқ очиб берадиган дурустроқ бир мақола ҳам ёзган эмасман. Ҳар гал бу ишга киришмоқчи бўлганимда бу шеърият қаршисида қаламимнинг бениҳоя ожизлигини ҳис қилардим. Ҳозир ҳам мазкур эссени ёзишга киришар эканман, шоир шеъриятини адабиётшунос сифатида таҳлилдан ўтказишни ният қилаётганим йўқ. Лекин кўнглимда Абдуллажон ҳақида анча-мунча гаплар йиғилиб қолган. Абдуллажон, ўйлаб қарасам, менинг ҳаётимга анча сингиб кетган экан. У билан биргаликда қанчадан-қанча адабий кечаларни ўтказдик, турли сафарларда бўлдик, йиғинлар, конференциялар ва ҳоказоларда иштирок этдик. Кўпдан-кўп ёркин хотиралар, қувноқ эсдаликлар тўпланиб қолган. Назаримда, шулар тўғрисида ҳам озми-кўпми гапириб бериш менинг бурчим бўлса керак. Шундоқ экан, "Мувашшаҳ"ни эълон қилаётганимни мақтанишга йўймаслик керак – бу кўнгил дафтарини жиндай варақламоқ учун бир баҳона, холос. Истасангиз, Абдулла Орипов тўғрисидаги эссега муқаддима...



## САРАТОН АВЖИДА ФАРАХЛИ БИР ОҚШОМ

Усмон Қўчқор яхши шоир, яхши таржимон, яхши ношир ва яхши инсон. Ҳар ҳолда, уни кўрганда одам ўз-ўзидан яйраб кетади. Бир вақтлар Бухородан Тошкентни забт қилгани келган бу хушфеъл, хушмуомала, самимий йигит шу ерда қолиб кетди. Хуллас, ҳар жиҳатдан мақтаса, мақтагулик бир ажойиб инсон. Фақат битта нуқсони бор. Билмадим, буни "нуқсон" дейиш ҳам унча тўғри эмасдир. Лекин мен унинг бир ишини сира тушунмаяпман – ана шу туппа-тузук, эсликхушлик йигит гўё бошқа вақт қуриб қолгандай авжи саратонда – 18 июлда туғилипти.

Наҳотки, Бухоролик бўлатуриб, 18 июлнинг ҳамма нарсани жизғанак қилиб куйдирадиган алангалари борлигини билмаган бўлса? Аммо бўлар иш бўлган, бўёғи синган. Ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди. Фақат туғилган куни муносабати билан Ёзувчилар боғида дастурхон ёзишга аҳд қилгани унинг туғилган кунни танлаш масаласидаги хатосини жиндай бўлса-да ювиб кетади. Хуллас, 18 июль кун пешиндан оққанида Абул Фарожнинг бир нодир китобини қўлтиқлаб, Усмонжоннинг туғилган кунини нишонлагани Дўрмонга – Ёзувчилар боғига йўл олдим. Баҳонада Абдулла Ориповни ҳам зиёрат қилиб келишга қарор қилдим. У яқинда Япония сафаридан қайтган эди, албатта, аллақачон келиб, унинг суҳбатини олиб кетганимда ёмон бўлмасди, лекин шоир Япониядан қайтиб, уч-тўрт кун туриб-турмай, Швейцарияга йўл олди. Мендай ногирон одам тўрт мучали бутун одамнинг кетидан югуриб, етишиб юрмоғи маҳол экан-да деб афсусланиб қолаверган эдим.

Абдуллажоннинг Ёзувчилар боғининг ичкарироғидаги уйи таъмирланаётган экан, шунинг учун у меҳмонхонасини бошқа жойга – боғ чеккасида ўсган чинорлар соясига кўчирипти. "Меҳмонхона" битта ёғоч кроватy, битта стол ва беш-олтита стулдан иборат экан. Лекин жуда салқин. Тангадек офтоб йўқ. Қўшни девор остида жилдираб ариқ оқиб турипти. Эски ижодхона олдидаги гулзордан хушбўй ҳидлар таралади. Мен кириб борганда Абдуллажон сирдарёлик адабиётшунос Умрзоқ Ўлжабоев ва жиззахлик ижодкор Туроб Мақсудовлар билан гурунглашиб ўтирган экан. Мен келиб, даврага қўшилгандан кейин бир оз ўтгач, андижонлик Тўлан Низом келди. Гурунгимиз энди қизий бошлаган эди, ўтирган жойимиздан 20-30 қадамлар нарида бирдан ола-ғовур кўтарилди. У ерда темир ўчоққа каттагина қозон осиб, балиқ қоврилаётган экан. Бирдан унинг ёғи ёниб кетипти. Аланга вишиллаб чинорлар шохигача етди. Кўпчиликлашиб ўчириб олишди. Бўлинган гурунгимиз қолган жойидан давом этди. Гурунгимизнинг султони, албатта, Абдуллажон эди. У кечагина Швейцариядан келган бўлса-да, бу сафаридан оғиз очмай, фақат Япониядан гапирар эди. Афтидан, Япония таассуротлари унинг қалбини тўлдириб юборган бўлса керакки, уларни гапириб, адо қилолмас эди.

Уч-тўрт кун аввал бир қанча газеталарда унинг Япония ҳақидаги суҳбатлари босилганди, лекин Абдуллажон у гапларни такрорламай, Япониянинг шоир нигоҳи билан кўрилган ўзига хос жиҳатлари, халқнинг баъзи бир урф-одатлари, ёзувчилари тўғрисида гапирарди.

-Токио ажойиб шаҳар экан. Шу бир шаҳарнинг ўзида Ўзбекистоннинг ярим аҳолисига тенг келадиган одам яшар экан. Лекин шунга қарамай, шаҳар жуда саришта ва озода. Ишонасизми, шунча юриб, нафақат Токиодан, балки бошқа жойлардан ҳам лоақал нишона учун бирон дона сигарета чиқиндисини ёки ерга ташланган биронта музқаймоқ қоғозини кўрмадим.

-Нима бало, улар музқаймоқни қоғози билан ейишар эканми?

-Бунисини билмадим. Буни ўзингиз борганда билиб келарсиз.

Ҳазилим Абдуллага малол келганини сездим.

Ҳижилликни тарқатиш учун мен ҳам японларнинг уюшқоқлигию интизомини мақтадим.

-Оврупонинг қайси бир шаҳарига уч минг япон томошага борган экан. Улар футбол ўйинига боришипти. Ўйин тугагач, ҳамма чиқиб кета бошлаптию японларнинг биронтаси ҳам чиқишга шошилмапти.

(Давоми келгуси сонларда)

# "КУ-КУ 47" ЕР БИЛАН ТЎҚНАШАДИМИ?

***11 йилдан кейин Ер юзи катта фожиани бошидан кечириши мумкин, дея таъкидлашмоқда баъзи олимлар. Чунки она сайёрамиз томон тирик мавжудотни бир неча кун ичида ҳалокатга олиб келувчи "Ку-Ку 47" номи билан аталаётган улкан комета яқинлашмоқда.***



Ер атрофидаги объектларни кузатувчи Британия маркази маълумот беришича, комета секундига 36 километр тезлик билан ҳаракатланмоқда. Унинг диаметри 1,2 километрни ташкил этиб, бундан 65 миллион йил муқаддам ер билан тўқнашиши натижасида динозаврларнинг бутунлай қирилиб кетишига сабаб бўлган, дея тахмин қилинаётган кометадан бирмунча кичикроқдир.

-Аммо, - дейди фазодаги ҳаракатланаётган объектларни кузатувчи мутахассис Майкл Кроун. – Сайёрамизга яқинлашаётган "Ку-Ку 47" бир неча сонияда битта қитъани ва унда яшовчи жамики жонзотларни йўқ қилиб юбориш қувватига эга. Тўғри, кометанинг Ер билан тўқнашуви имконияти миллиондан бир ҳиссага тўғри келади.

Штеренберг номидаги фалакшунослик институти бўлим мудири, физика-математика фанлари доктори Николай Емельяновнинг фикрича, тўқнашув юз берса, Ер юзи узра жуда катта чанг-тўзон кўтарилиб, улкан портлаш тўлқини юзага келади. Натижада ҳаво ҳарорати одам чидаб бўлмас даражада қизиб кетади ва жамики тирик жон фалокатга юз тутади.

ШОВ-ШУВ

2001 йилда 2 та комета ерга яқин келётганлиги кузатилганди. Улардан бири Ердан 890 минг километр, иккинчиси 585 минг километр наридан ўтиб кетганди. Олимларнинг таъкидлашича, бу ҳолатлар сайёрамизни улкан фожиалар кутаётганлигидан дарак берувчи "қўнғироқ" бўлиши ҳам мумкин. Аммо ҳалокат муқаррар экан, дея хавотирланишга ўрин йўқ. Чунки олимларимиз ҳозирданоқ комета ва Ер тўқнашувининг олдини олиш борасида бош қотиришмоқда. Уларнинг фикрича, фалокат муқаррар бўлиб қолган тақдирда ажал уруғини олиб келаётган комета ядровий зарядли ракеталар билан ўққа тутилади. Натижада "қотил-тош" йўналиши ўзгариб, Ерни четлаб ўтиб кетади.

Хуллас, "Ку-Ку 47" кометаси билан боғлиқ шов-шувлар нима билан тугаши номаълум. Буни эса вақт кўрсатади.

**Фахриддин КАЛОНОВ тайёрлади.**

# ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

***Тўрт нарсадан эҳтиёт бўлмоқ керак: тезлик ва шошма-шошарликдан; қаҳр-ғазабдан; бахиллик ва хасисликдан; мақтанчоқлик ва такаббурликдан.***

Тўрт нарса тўрт нарсани келтиради: сукут - саломатликни, яхшилик -эминликни, саховат - буюкликни, шукур -зиёдаликни.

Тўрт нарсани қайтариб бўлмайди: айтилган сўзни, ўтган ишни, отилган ўқни, ўтган умрни.

Тўрт нарса аҳмоқлик далилидир: ўзига бино қўйиш ва такаббурлик, бошқаларнинг айбини қидириш, бахиллик, аблаҳдан умидвор бўлиш.

Тўрт нарса эркакнинг камолотига далилдир: биринчиси дўстлар билан машварат қилишлик, душман билан мадора қилишлик, иссиқ ҳавога чидамлилик, аччиқ сўзга чидашлик.

Икки нарса одамни икки етукликка етказади: сабр – муродга, қаноат – қудратга.

Нима десам экан деб андиша қилишлик, нега айтдим деб пушаймон бўлишдан афзал.

Уч нарса хушхабарликдир: асли поклик, қўли поклик, тўғри раъйилик.

Саломатлик уч нарсададур: худонинг берган умрига рози бўлиш, дин шартларини бажариш, бировнинг дилига озор беришдан узоқ бўлиш.

**Х.МАҲАМОВА тайёрлади.**



Табиат мўъжизаси

Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

МАСЛАҲАТ

## ҚОВОҚ ШЎРВА

***Қовоқнинг учи ўткир пичоқ билан стаканнинг оғзидек қилиб ўйилади, ичидан уруғлари қириб олинади ва сирти пахта ёғи билан мойланади.***

Пиёз, помидор ва сабзи тўғралади, гармдори, жамбил, райҳон ювилади. Қанд лавлаги, картошка арчилиб, икки-уч бўлакка бўлинади.

Қовоқдан бошқа масаллиқларнинг ҳаммаси кострюлкадаги сувда 2-3 соат қайнатилади.

Қайнаб камайган шўрванинг тахминан ярмиси қолгач, ҳамма масаллиқлар шўрваси билан бирга қовоқ ичига солинади-да, қовоқнинг оғзи ўйиб олинган қопқоғи билан беркитилиб, товада иссиқ оташхона (духовка)га жойланади. Қовоқ ичидаги шўрва қайнай бошлагач, олов пасайтирилади. Ярим соатда қовоқ ва ичидаги масаллиқлар пишиб, таом тайёр бўлади.

Масаллиқлар: қўй гўшти, қовоқ, пиёз, сабзи, помидор, жамбил ёки райҳон, қанд лавлаги, картошка, зиравор, меъёрига қараб туз.

Қовоқ шўрва барча ёшдаги кишилар учун тансиқ ва лаззатли таомдир. У парҳез таом сифатида ҳам қадрли. Қалампир солинмаган шўрваси ҳомиладор аёлларга фойдалидир. Буйрак хасталикларида, камқонликда, бедармонликда қувватбахшдир. Қовоқ шўрва юрак-қон томир, моддалар алмашинуви бузилиши билан боғлиқ хасталикларда, жигар хасталигида жуда асқотади. Қовоқли таом қабзиятдан холи этади, атеросклероз касаллигига ҳам қарши даводир.

## БАЛИҚ ШЎРВА

***Қозонга совуқ сув қуйиб, тангачаларидан тозаланган балиқ ва майда тўғралган пиёз солиниб, паст оловда қайнатилади.***

Шўрванинг кўпиги олиб турилади. Балиқ ҳил-ҳил пишгач, лаганга солинади. Ўзи алоҳида, шўрваси алоҳида идишларга солиниб, дастурхонга тортилади.

Масаллиқлар: балиқ, пиёз, меъёрида туз.

Балиқ шўрва энг лаззатли ва шифобахш таомдир. Балиқдан тайёрланган шўрва организмга дармон бағишлайди, кўзнинг қувватини оширади.

**Х.МАХАМОВА тайёрлади.**

**Газетанинг навбатдаги сони 19 сентябр, жума куни чиқади.**

# SPORT OLAMIDA

## ЧЕМПИОНЛИК САРИ ҚАДАМ

***Футбол бўйича мамлакат XII миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган 23-тур беллашувлари турнир жадвали карвонбошиси "Пахтакор" жамоасига яна омад келтирди.***

Чунки иккинчи ўринда бораётган "Нефтчи" билан сафарда тўп сурган тошкентликлар майдонга фақат ғалаба учун тушганликларини намойиш этишди. Фарғоналиклар ҳам ўз мухлислари қаршисида "Пахтакор"чиларга муносиб қаршилик қилишга интилишди. Аммо, ҳужумкор, тезкор, комбинацияларга бой кечган беллашув 1:2 ҳисобида "Пахтакор" ғалабаси билан якунланди.

Шундай қилиб, ҳозирда 62 очко жамғариб, фарғоналиклардан етти очкога ўзиб кетган тошкентликлар чемпионлик сари одимларини дадил давом эттиришмоқда. Шунингдек, турнир жадвалининг учинчи поғонасида бораётган "Қизилқум" бу сафар Қаршида "Насаф" меҳмони бўлди. Қизиқарли кечган учрашувда мезбонларга нисбатан бир ўйинчи кам бўлиб майдонда ҳаракат қилган меҳмонлар учрашувни 1:2 ҳисобида бой беришди. Ушбу ўйиндан сўнг "Насаф" жамоаси яна учинчи ўринга кўтарилиб олди. Олти учрашувдан бери мағлубият нималигини билмаётган "Навбаҳор" жамоаси ўз майдонида "Сурхон" устидан қозонган 2:1 ҳисобидаги ғалабаси билан яна мухлисларини хурсанд қилди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: "Бухоро"-"Гулистон"-1:2, "Андижон"-"Машъал"-3:0, "Қўқон-1912"-"Металлург"-4:1, "Трактор"-"Цементчи"-3:0, "Самарқанд-Динамо"-"Дўстлик"-3:0.

## ИШОНЧ ОҚЛАНАДИ

***Ноябр ойида БААда футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилади.***

Нуфузли мусобақада иқтидорли мураббий Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этади. Футболчиларнинг маҳоратларини ошириш, жисмоний тайёргарликларини кучайтириш мақсадида Германиядан Юрген Гётени мутахассис сифатида жамоага таклиф этишгани айни муддао бўлди. Шу ўринда айтиш жоизки, ўқув-йиғин машғулотларида қатнашаётган терма жамоамиз германиялик мутахассиснинг таклифига кўра жаҳон чемпионатида аввалгидек 4-4-2, яъни тўртта ҳимоячи, тўртта ярим ҳимоячи ва иккита ҳужумчи услубида эмас, балки 5-3-2, бешта ҳимоячи, учта ярим ҳимоячи ва иккита ҳужумчи иштирокида рақибларига қарши кураш олиб борадилар. Дарвоқе, германиялик мутахассиснинг фикрича, ёшларимизнинг жаҳон чемпионатидаги ғалабаларига ишонса бўлади. Чунки футболчиларимиз жисмоний ва бошқа жиҳатлардан тайёргарликни маромига етказишяпти.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

## "РОМА"НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

***Футбол бўйича Италия чемпионатининг 2-турида 6 ўйин ўтказилди.***



Римнинг "Рома" жамоаси ўз майдонида "Брешия"ни қабул қилиб, 5:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Рақиб дарвозасига киритилган тўп муаллифлари ҳужум чизиғи юлдузлари – В.Монтелла, К.Карью, Ф.Тотти (иккита) ва К.Кивулар бўлишди.

Мамлакат чемпионлиги учун асосий даъвогарлардан бири Милан шаҳрининг "Интер" жамоаси сафарда тўп сурушига қарамай майдон эгалари бўлмиш "Сиена" футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Шунингдек, "Парма", "Перуджи" устидан 3:0 ҳисобида зафар қучди.

## "МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД"НИ СОТИБ ОЛИШМОҚЧИ

***Буюк Британиянинг "The Obsenver" ҳафтаномаси тарқатган маълумотига кўра, ҳозирча шахсини сир тутаётган россиялик мультимиллионер Европадаги энг донгдор жамоалардан бири В.Фергюссон етакчилигидаги "Манчестер Юнайтед" жамоасини сотиб олмоқчи.***



Даъвогарнинг бойлиги тахминан 5 миллиард фунт стерлингга тенг деб баҳоланмоқда. Шуниси қизиқки, "Манчестер Юнайтед"га ундан ташқари яна 2 киши- Яқин Шарқ нефт қироли ва Шарқий европалик миллиардер эгалик қилиш истагини билдиришган. Ҳозирча бу икки бойвачча ҳам ўз шахсини сир тутмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, футбол жамоаси ўтган йилги молия йилида 23 миллион фунт стерлинг миқдорида фойда олганди. Клубнинг тахминий нархи 600 миллиондан 700 миллион фунт стерлингни ташкил қилади.

**"Интернет" хабарлари асосида тайёрланди.**

Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси жамоаси Зомин ўрмон хўжалиги директори Мамарайим Абдулҳакимовга опаси **ҚОРАСОЧ АЯ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КЎРГАЗМА

***Ўзбекистон амалий санъат музейида андижонлик кулол Маҳмуджон Мамажоновнинг сопол буюмлари намуналаридан юзга яқини намойиш этилмоқда.***

## РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Она заминни ҳар нарсадан азиз, муқаддас билган кулол Маҳмуджон Мамажонов "От изини той босар", "Дўст кетидан дўст келур", "Тақаланган от қоқилмас", "Олма тагига тушар", "Ота рози, Худо рози», "Сендан ҳаракат, ўзидан баракат", "Жаннат оналар оёғи остида" каби ҳикматлар асосида сопол буюмлар ясаб, ўзига хос шакл-шамойиллар топиб, хилма-хил ранглар жилосида томошабин руҳиятини кўтаради. Илмга, ҳунарга, ақл-закога, одамийлик, бир-бирлари қадрига етиш ҳақида фикр уйғотади.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос.**

## "ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

***"Жаҳон адабиёти" адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журналининг навбатдаги янги сони нашрдан чиқди.***

Журналнинг мазкур сони ҳам мундарижасининг ранг-баранглиги, мавзуларининг долзарблиги, маънавий-маърифий ҳаётимизда рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг адабий-бадиий моҳиятдаги кўриниши сифатида алоҳида ажралиб туради. Журнал муштарийлари бу сонда таниқли ҳинд адиби Премчанднинг ватанпарварлик, ўзликка интилиш руҳи билан суғорилган "Фидойи" романининг давомини, Амин Маалуфнинг шоир Умар Ҳайём ҳаёти ва ижодини тараннум этувчи "Самарқанд" тарихий романининг давомини, шунингдек, "Наср" рукни орқали




қардош қирғиз адибларининг инсон ва жамият, ишқ-муҳаббат, оддий халқнинг қувонч ва ташвишларидан ҳикоя қилувчи бир қатор асарларини мутолаа қилишлари мумкин. Шу билан бирга, "Шеърият минтақалари" рукнида берилган Евгений Винокуровнинг "Учаман ёнаётган шафақлар томон" шеърий тўпламидан парчалар ҳам шеърият ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Хоразм Маъмун Академияси катта илмий ходими Матназар Абдулҳакимнинг аждодларимиз, шеърият ва фалсафа илми алломалари ҳазрат Паҳлавон Маҳмуд ҳамда Абу Наср Фаробийларнинг фаолияти тадқиқ этилган "Ҳикмат боғлари" илмий-маънавий мақоласи ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган бўлиб, унда сўфийлик таълимотининг шахс ва жамият ҳаётида тутган ўрни баён этилган. Шунингдек, журнал муштарийлари, рус табиатшуноси Алексей Туробовнинг "Ҳар кунги Америка" публицистик мақоласи орқали АҚШдаги жамиятшунослик, эстетик қарашлар сингари муҳим маълумотлардан ҳам хабардор бўла оладилар.

## "САОДАТ"

***Яқинда "Саодат" Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар журналининг янги 5-сони босмадан чиқди.***

Журнални варақларкансиз, ундан ўрин олган турли мавзудаги мақолалар, публицистик асарлар, назмий сатрлар эътиборингизни жалб этмасдан қолмайди. Жумладан, журналнинг мазкур сонидан ўрин олган Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг "Муҳаббат кунда керак" эссеси оналаримиз, момоларимизнинг вафодорлиги, садоқат тушунчасининг муқаддас саналгани, эр ва хотин, ота ва она, фар-

ЎҚИДИНГИЗМИ?

зандлар муносабати, лўнда қилиб айтганда, ОИЛА мустаҳкамлиги хусусида муаллифнинг ҳаётий тажрибаларини муштарийларга тақдим этадики, бу ҳам фойдадан холи эмас. Эсседа бугунги ўзбек аёли ўтмишдоши билан солиштириб кўрилиб, нима учун кейинги пайтларда оилаларнинг бузилиб кетиши, фаҳш соҳибалари сонининг ортиб бораётгани ҳаётий кузатувлар орқали баён этиб ўтилади. Шунингдек, шоира Шарифа Салимованинг "Райҳонлар атрини уфурган дунё" назмий тўплами, Мирзажон Исломовнинг "Совғадан чиққан ғовға" ҳикояси, "Муҳаббатнома" рукнида берилган Санобар Меҳмонованинг бир қатор шеърлари ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Доимий анъанага мувофиқ, журналнинг сўнгги саҳифаларидан бекажонлар учун "Дастурхон зийнати" ҳамда "Кашта тикишни ўрганамиз" рукнлари остида қимматли маслаҳатлар ҳам ҳавола этиб ўтилган.




**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-821, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00.

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6